

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЧОЛГУЛАРИМИЗНИНГ ҲОЗИРГИ КУНГАЧА САҚЛАНИБ
КЕЛГАН ТУРЛАРИ ВА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ.**

Юнусов Одил Файбуллаевич

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат

педагогика институти ўқитувчиси

Хайруллаева Хумора Алишер қизи

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат

педагогика институти Мусиқа таълими

йўналиши талабаси

Аннотация:

Ўзбек миллий чолгуларимизнинг ҳозирги кунгача сақланиб келган турлари ва тарихи. Қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бизгача етиб келган ДОИРА, Халқимизнинг тўйларида ўзининг жасрангдор товуши билан ўрин олган ўзгача товушга эга бўлган асбобимиз НОҒОРА, Ўзбек анъанавий чертиб чалинадиган чолгу созларидан РУБОБ, Ўзбек халқ чолгулари орасида ўзгарувчан хусусиятли анъанавий , миллий , чертим чолгуларимиздан ДУТОР, Чолгуларимизнинг энг қадимийси УД, Мусиқий чолгуларимиз орасида қадимийси ва энг забардаси ТАНБУР, Ўзбек миллий чолгуларимизнинг ҳозирги кунгача сақланиб келган турлари ва тарихий тараққиёти ҳақида маълумотларга ега бўласизлар.

Аннотация:

Сохранившиеся до наших дней Виды и история узбекских национальных инструментов. Дошедшая до нас с древнейших времен и до наших дней круг, инструмент, обладающий своеобразным звучанием, играемый на свадьбах нашего народа, - это барабан, традиционный узбекский щелкающий инструмент среди узбекских народных инструментов - РУБАБ, среди узбекских народных инструментов - дутар, уд, ёще один среди музыкальных инструментов из самых древних ТАНБУР, сохранившиеся до наших дней виды и вы получите информацию об историческом развитии.

Annotation:

The types and history of our Uzbek national musical instruments have been preserved to this day. The circle, which has reached us from ancient times to the present day, is an instrument with a distinctive sound, which is in place at the weddings of our people with its resonant sound musical instruments Rubab

,traditional ,national, among the Uzbek folk instruments,DUTOR from the click instruments,UD,the oldest of our musical instruments, tanbur among our musical instruments and tanbur, the oldest of our Uzbek national musical instruments, the most preserved species of our Uzbek national instruments to the present day and you will have information about historical progress.

Ўзбек халқ чолғу асбобларимиз кўп асрлардан мерос бўлиб қолган.Миллий чолғуларимиз ҳозирги кунгача сақланиб халқимиз томонидан севиб ижро этиб ва тинглаб келинаётган миллий асбобларимиз турлари кўп.Миллий асбобларимиз халқимиз тўй-томошалари,турли тадбирлари бизнинг чолғуларимизсиз қизиқ ўтмайди.Қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бизгача етиб келган ДОИРА чолғу асбоби ўзгармаган ҳолда сақланиб келинмоқда.Аниқ баландлика эга бўлмаган ,зарбли чолғуларидан бири.Доира иборамиз баъзан дапп,чилдирма,чирманда деб ҳам юритилади.Халқимиз қадимдан доира асбобини жуда ардоқлаб келган.Доира коринишидан оддий айланма шаклда болади. Тахминан унинг диаметри 400 мм , гардиши узум зангидан ёки ёғочни эгиб ҳам ясалади.Доиранинг гардишига бузоқ ёки балиқ,тойнинг териси қопланади.Гардишига 40 га яқин баъзан ундан ортик халқачалар тақилади.Бу халқачалар доирани чалганда ижросига янада ўзгача садо беради.Бу халқачалар номлари шинғироқ, шилшила ҳам дейилади.Улар асосан майда доирача шаклида бўлиб,мисдан темир металлардан ясалади.Доирада 2 та товуш паст “бум” баланд “бак” усуллари мавжуд.

Халқимизнинг тойларида озининг жарангдор товуши билан ўрин олган ўзгача товушга эга бўлган асбобимиз НОҒОРА.У саполдан ясалган бўлиб,жуфт иккита туваклардан иборат зарбли чолғуларимиздан бири ҳисобланади.Уларга таранг қилиб тортилган тери ,ечки ёки кийик терисидан қопланади.Ноғоранинг товушлари аниқ баландликка эга бўлмаса ҳам қиздирилганда кўтарилиб жаранглайди.Уларнинг ёғоч чўплари ҳам мавжуд. Улар орқали ноғорага урилиб товуш ҳосил қилинади.Ўзининг кескин жарангли тембри билан чолғуларимиздан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам байрамларда,тўй-ҳашамларда ўзининг товуши билан ажралиб туради.Ноғора олов ёки офтобда қиздирилиб товуши баландлаштирилади.Унда асосан 2 та товуш нота ёзувида“бум”,чизик тагида,”бак”,чизик устида ёзилади.

Ўзбек анъанавий чертиб чалинадиган чолғу созларидан бири бу РУБОБ ҳисобланади.Ўрта осий халқлари мусиқа маданиятида кенг қўлланилади. Халқ чолғу ижрочилигида асосан рубобнинг 2 тури мавжуд . Улар авфон ва қашқар рубоби ҳисобланади.Рубоб 2 қисмдан иборат болиб,косаҳона ва дастадан

ташқил топган. Унинг косасига асосан балиқ териси баъзида бузоқнинг юрак териси ҳам қопланади. У беш тордан иборат. Унинг дастасининг бошланиш қисмида 5 та кулоқлари жойлашган. Улар орқали рубобни сошлаб туради. Рубоб махсус медиатр ёрдамида ижро этилади. Рубоб халқ ансамбили ва аркестрда етакчи вазифани бажаради. Унинг ёқимли товуши майин, сержило оҳанги бошқа созлардан ажралиб туради.

ДУТОР- ўзбек халқ чолғулари орасида озгарувчан хусусиятли анъанавий, миллий, чертим чолғуларимиздан биридир. Узок ўтмишдан халқ ижрочилигида қолланилиб келинган торли анъанавий яккановоз чолғу сифатида чолғулар қаторига киради. У тожикча сўз болиб 2 тор деган маънони беради. Шунинг учун ҳам икки торли асбобдир. Одатда тут дарахтидан тайёрланиб, икки асосий қисмларга бўлинади: косахона, ва даста. Чолғунинг косаси 10-12 та юпка қовурғачаларни бир-бирига бирлаштириб, ёпиштириш натижасида ҳосил қилиниб, унинг устки қисми махсус қопқоқ билан қопланади. Унинг косасида торлар илинадиган илгичлар махсус орнатилиниб, жусасига қараб дастаси белгиланади. Дуторда 14-15 парда мавжуд бўлиб жилка (яъни сунъий ип) дан бойланади. Рубоб сингари бунда ҳам кулоқлари мавжуд, негаки унинг сошлаш учун, овозини янада майин, сержило қилиш учун қолланилади. Дутор ҳам чолғулар орасида турли ранг-баранг зарбларга бой нафис назокатли овозга бой чолғудир.

Чолғуларимизнинг энг қадимийси бу УД асбоби ҳисобланади. Сернаво, кўнгиларни ҳушлатувчи унга ором берувчи созимиз чолғулар ансамбили қаторидан муносиб ўрин олган. Якканавоз чолғу сифатида ҳам омма орасида кенг тарқалган. УД асбоби коса, даста, бош қисмидан ташқил топган. Косаси бир-бирига ёпиштирилган бир неча қовурғасимон тахтачалардан иборат. Устига ёғочдан тайёрланган зич қилиб бириктирилган бўлиб, қопқоқда учта резанатр-овоз тебраниб чиқадиган тешик бўлиб, устига торлар таянадиган ҳарракни зич қилиб туташтирилади. Даста косага маҳкам бириктирилиб унга парда боғланмайди. Бошланғич қисмида кулоқлар ўрнатилган. УД сози 5 та жуфт 1 та тоқ торлардан иборат. Чолғу махсус тайёрланган мезроб билан ижро этилади.

Мусиқий чолғуларимиз орасида қадимийси ва энг забардасти ТАНБУР ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқимиз орасида ҳам касбий мусиқанинг шакилланишига ҳиссасини қўшганлиги учун етакчи созлар қаторига киради. Ўзбек мақомимизни ҳам шакилланишида танбур асосий етакчи чолғу сифатида эътироф этилади. Танбур форсча сўздан олинган бўлиб, тан-юрак дил, бур-эса кесмоқ қитиқламоқ деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам

сернола,сер оҳанг,дилрабо миллий мусиқа чолғуларимиздан бири бўлиб,уни тинглаётиб шинавандалар қалбини ларзага солиб келмоқда.Унинг косаси тут ёғочидан дастаси эса асосан ўрик ёнғоқ ва бошқа ёғочлардан йўнилиб ясалади.Дастасига эса ичак пардалар боғланади.Торлари мисдан тортилиб, “Нохун”деб аталувчи металдан ишланган мослама ёрдамида чалинади.

Адабиётлар

- 1.Ш.Рахимов.-“Дутор ”ўқув қўлланма Т.2007 йил
- 2.Ш.Рахимов О.Назаров.Ш.Жонайдаров. “Чолғу ижрочилиги ансамбли”ўқув қўлланма.Т.2005 йил
- 3.Б.Рахимжонов. “Дуторчилар ансамбли”дарслик.Т.2002
- 4.Х.Нурматов.О.Файзиев. “Чолғу ижрочилиги рубоб” ўқув қўлланмаТ.2009
- 5.Ш.Рахимов. ”Чолғулангириш ва партитура ўқитиш” ўқув қўлланма Т.2009
- 6.Ш.Рахимов “Чолғу ижрочилигига ўргатиш методикаси” ўқув қўлланма.Т.2009 й
- 7.Ш.Рахимов.Х Нурматов. ”Чолғу ижрочилиги тарихи”ўқув қўлланма.Т.2009й
- 8.Ш.Рахимов«Чолғушунослик” Ўқув қўлланма Фан» нашриёти. 2011
- 9.Нурматов. Х«Рубоб дарслиги»дарсликТошкент.Ўқитувчи нашриёти 1993
- 10.Ш.Рахимов Дутор Ўқув қўлланма Т: F Гулом 2004 й.
- 11.Одил Юнусов Science and Education 2020ЎЗБЕК МИЛЛИЙ САНЪАТИНИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ОНГИГА СИНГДИРИШ ЙЎЛЛАРИ 304-306 бетлар.